

Хатми Қуръонларга ўтадиган қорилар сараланади



10:14 / 17.03.2023 2870

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий **Нуриддин домла Холиқназаров** ташаббуси билан **Рамазон ойидаги хатми Қуръон тадбирларида** иштирок этадиган қориларни суҳбатдан ўтказиш анъанаси йўлга қўйилган эди.

Жорий йилнинг 16 март куни мазкур анъанага мувофиқ, **1444/2023** йил Рамазон ойида хатмга ўтадиган қориларни аттестациядан ўтказиш масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда “Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлими мудирини **Шайх Алижон қори**, Масжидлар билан ишлаш бўлими мудирини **Музаффар домла** ва бир қатор устозлар иштирок этди.

Муҳокамалар давомида республикамизнинг барча масжидларида хатмга

ўтадиган қориларни суҳбатдан ўтказиш, зарурий тавсия ва йўл-йўриқлар бериш каби муҳим масалалар кўриб чиқилиб, бу йилги Рамазон ойини кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.



